

6-1-2019

ANALYSIS OF INVESTMENT ACTIVITIES OF THE ENTERPRISE: THEORY AND PRACTICE

O. Astanaqulov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Astanaqulov, O. (2019) "ANALYSIS OF INVESTMENT ACTIVITIES OF THE ENTERPRISE: THEORY AND PRACTICE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 4.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ANALYSIS OF INVESTMENT ACTIVITIES OF THE ENTERPRISE: THEORY AND PRACTICE

The article is devoted to the analysis of investment activity, which provides economic activity and modernization of economic entities in the economy. As well as the author analyzed the theoretical approaches to the essence of the analysis of the investment activity of the enterprise and given priority areas.

Keywords. Investments, investment activity, economic activity, financial management, investment resources, economic effect, analysis of investment activity, economic analysis.

Despite international recognition of Uzbekistan's success and obtaining an investment credit rating and the status of a country with a developing market economy, development barriers remain due to long-term systemic challenges that reflect both global trends and internal problems. One of these challenges is the intensification of global competition encompassing commodity and capital markets.

The formation of the innovation period of the country's development is characterized by the intensification of the struggle for capital. At the same time, the main condition for the success of any state in the global investment market is not only providing investors with the desired profitability, profitability and return on investment, but also forming a comprehensive network of specialized financial institutions providing various services to investors, as well as ensuring a stable, predictable and transparent business regime. activities. Under these conditions, the role of an investment analysis of an enterprise as a key management tool that allows building optimal trajectories of transition from the current state of development of the industry segments of the national economy to the desired results and economic growth of both individual enterprises and entire industries increases many times over.

Investment activity of enterprises is one of the most complex and risky types of business. Its results significantly affect the efficiency of entrepreneurship in general. Significant factors hindering its development include: insufficient economic efficiency of investment projects, low investment attractiveness of enterprises, as well as a lack of investment resources.

One of the reasons for not allowing the most to attract both external and internal investment resources is the incomplete and biased disclosure of information on the investment potential of enterprises and investment processes in accounting and financial reporting. Until recently, national accounting policy did not give investors complete and reliable information on the activities of enterprises in the field of investment.

The introduction of the principles of accounting and analysis of investments established in international practice should be carried out taking into account the

current state of the economy, the specifics and characteristics of the functioning of domestic entrepreneurship. Excessive orientation to foreign experience, thoughtless borrowing of the principles and rules for evaluating, accounting and analyzing investments that have taken shape in foreign countries do not provide an opportunity to quickly adapt to them the national characteristics of modern investment policy and the accumulated past experience. There are many contradictions between the system of valuation and accounting of investments and tax legislation, other regulatory acts.

Investigating the issue of accounting and analysis of investment activity, the author relied on the rich previous experience in the organization of accounting and analytical work, theoretical and practical developments in this area. Consequently, the level of development of the modern economy requires further development of approaches to the assessment and analysis of the investment status of an economic entity, which will allow to determine the variation and the strategy of its development.

(Full article is available in Uzbek)

О.Т. Астанакулов
Тошкент молия институти,
Ўзбекистон, Тошкент

КОРХОНАЛАР ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Мақола иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида иқтисодий фаоллик ва ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёни модернизациялашувига кенг имконият яратувчи омил – корхоналар инвестицион фаолияти таҳлиliga бағишланган. Шунингдек, иқтисодий субъектлари инвестицион фаолиятининг мазмун-моҳиятига йўналтирилган ёндашувлар муаллиф томонидан назарий аснода таҳлил қилинган ҳамда устувор йўналишлари аниқланган.

Таянч сўзлар. Инвестиция, инвестицион фаолият, инвестицион фаоллик, инвестицион ресурс, инвестицион фаолият таҳлили, иқтисодий фаоллик, иқтисодий таҳлил, молиявий ресурсларни бошқариш, иқтисодий самара.

АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Статья посвящена анализу инвестиционной деятельности, которая обеспечивает экономическую активность и модернизацию хозяйствующих субъектов в экономике. А также автором проанализированы теоретические подходы к сущности анализа инвестиционной деятельности предприятия и приведены приоритетные направления.

Ключевые слова. Инвестиции, инвестиционная деятельность, инвестиционная активность, экономическая активность, управление финансовыми ресурсами, инвестиционные ресурсы, экономический эффект, анализ инвестиционной деятельности, экономический анализ.

КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ҳар қандай фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги бевосита инвестиция жараёнига боғлиқликда кечади. Корхоналарнинг иқтисодий ривожланиши қатор омилларга, энг аввало, самарадорликни белгиловчи асосий омил инвестициялар жалб этилишига боғлиқ бўлади. XXI асрнинг кейинги ўн йиликларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар асосан инвестицион фаолият самарадорлигини оширишга қаратилганлиги бунинг далилидир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “. . . иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас. Мамлакатимиз худудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг кўплаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти. Экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган” [1].

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар мамлакатимизда кенг кўламли инвестицион фаолликни ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида инвестицион фаолият таҳлиliga мақсадли йўналтирилган тадқиқотларни олиб бориш ҳамда бу жараённинг илмий назарий асосларини тизимли тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

Бундан кўзланган мақсад тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, хорижий ва мамлакатимиз инвесторлари учун қулай жозибадор шарт-шароитни яратиш ҳисобланади. Биринчи навбатда, иқтисодий–ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан мукамал бўлган узоқ муддатли инвестициялаш механизмини шакллантиришдан иборатдир. Бу ўз навбатида корхоналарда инвестицион фаолият таҳлили методологиясини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда тизимли тадқиқ этиш лозимлигини аниқлатади.

Ҳар қандай таҳлил мунозарали ва муҳокама талаб жараён саналади. Иқтисодий таҳлил – бу маълум бир хўжалик юритувчи субъект иқтисодий алоқаларини тавсифловчи ҳамда ушбу фаолият йўналишларини аниқ белгилаш ва хулосалар чиқариш имкониятини юзага келтиришга хизмат қиладиган имконият яратувчи методлар, усуллар мажмуасидир. Иқтисодий таҳлил қатор хўжалик алоқаларида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш, бу жараён таҳлилида алоҳида метод, услуб, йўналишлардан самарали фойдаланган ҳолда мақсадли вазифаларни белгилаш ва аниқланган муаммоларни барҳам топтиришдан иборатдир. Бундай ёндашув реал воқеликнинг илмий тадқиқ усуллари анализ ва синтезнинг бирлигига асосланади[2].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Корхоналар инвестицион фаолияти таҳлили узоқ иқтисодий тарихий ўтмишга эга, яъни иқтисодий фанлар тарихида кўплаб иқтисодий мактаб намоёндалари томонидан тадқиқ қилинган ва ўрганилган. Иқтисодиёт фани тарихидаги инвестициялар ва капитал қуйилмалар назариясининг илмий тарзда талқин этилишида сиёсий иқтисод вакиллари бўлмиш А.Смит ва Д.Рикардо, Ж.Милл ва “Маржинал инқилоб” намоёндаларидан О.Бем-Баверк капиталнинг хусусий концепциясини яратувчиларидан ҳисобланади[3]. Инвестицион жараён тадқиқотларининг ривожланишига XIX аснинг буюк намоёндалари Ж.Кейнс, Ж.Кларк, Р.Харрод, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи ва бошқалар муносиб ҳисса қўшган[4].


Хорижлик иқтисодчи олимлардан Лоренс Ж.Гитман ва Майкл Д.Жонк ўзларининг “Инвестициялаш асослари” китобида инвестициялар бу даромад ва капитал қийматини сақланишини таъминлайдиган ёки унинг қийматини оширишига қаратилган капитални жойлаштириш усулидир деб таърифлаган[5]. Бошқа иқтисодчи олимлар эса инвестициялар бу капитални сақлаш ва ошириш мақсадидаги пуллик қуйилмалардир – деб таъриф беришган[6]. Кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан инвестициялар мазмунига бўлган қарашларда уларнинг фикрлари худди шундай талқинда бўлиб, унчалик ўзгармаган.

Инвестицион фаолият таҳлилинини амалга ошириш ёндашуви бўйича бир қатор кўзга кўринган ҳозирги замон иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот

монографияларида ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган. Бунга МДХ иқтисодчи олимларидан В.И.Бариленко, И.А.Бланк, Л.Т.Гиляровская, Д.А.Ендовицкий, В.В.Ковалев, И.В.Липсиц, М.В.Мельник ва бошқаларни мисол сифатида кўрсатиб ўтишимиз мумкин[7]. Шунингдек, маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан бир қатори жумладан, Ш.Т.Эргашева, Т.Ш.Шагиясов, З.А.Сагдиллаева, И.Ф.Урманбековалар томонидан чоп этилган адабиётларда ҳам айнан биз томонимиздан тадқиқ этилаётган мавзу четда қолиб кетган, яъни инвестицион фаолият таҳлили масалаласи ўрганилмаган[8].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Корхонанинг тараққиёт стратегияси ҳақиқатда инвестицион фаолият орқали амалга ошади ва шу орқали руёбга чиқади. Бу ўз ичида комплекс тизимлар ҳаракатини ва узоқ муддатли мақсадларга эришиш воситаларини ўзида мужасамлаштиради. Инвестицион фаолият тизими корхона хўжалик юритишнинг ҳар қандай даражасида инвестицияларни жойлаштириш уларни амалга ошириш ва бошқаришдан иборат бўлади. Инвестицион фаолият тизими нафақат ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, балки турли даража ва ўлчами, келажакдаги истиқбол тараққиёт стратегиясига қарамай бутун бир иқтисодий тизимнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.




1- расм. Иқтисодий тизимнинг ҳар қандай даражасида инвестицион фаолиятнинг функционал жиҳатлари[9].

Инвестицион фаолиятнинг бундай комплекс чамбарчас боғланган таркибий тузилмаси ўз ўрнида корхона учун ҳам мураккаб иқтисодий тизим бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун замонавий иқтисодчи олимлар корхоналарда иқтисодий таҳлилни амалга ошириш жараёнида тизимли ёндашувдан фойдаланишади. Корхона доирасида таҳлилни амалга ошириш жараёнида иқтисодий таҳлил методларидан, хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча алоқаларни таҳлил қилишда фойдаланишади ҳамда бу бутун бир иқтисодий тизимни таҳлил этиш жараёни билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, биз томонимиздан амалга оширилаётган тадқиқот иши корхоналар инвестицион фаолияти таҳлиliga узвий боғлиқдир.

Биринчи навбатда алоҳида тизимлар таҳлили корхона таркибий тузилмаси бутун бир иқтисодий таҳлилни амалга ошириш тартибини белгилайди. Бунини биз микро муҳит шароитида корхона фаолиятини ташқи

муҳит тузилмалари билан ўзаро алоқадорлигини кўргазмалли шаклдаги тасвиримизда кўрсатиб ўтишимиз мумкин. (2-расм).

Бу таркибий тузилмалар барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхоналар ўзаро алоқадор бўлган давлат муассасаларидан иборат. Бу миллий иқтисодиётда реал ва молиявий секторлар ўзаро алоқадор ва мутаносиблигини кўрсатади. Шунинг учун инвестицион фаолият реал секторда амалга оширилиш жараёни молия секторига узвий боғлиқ деган хулосага олиб келади. Шунингдек, корхона инвестицион фаолият самарадорлиги турли хилдаги молиявий ресурслар билан таъминланиши ва уларни турли товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш молиявий сектор муассасаларисиз амалга ошмайди.



2-расмдан кўриниб турибдики, алоҳида олинган корхона барча алоқадор тизимлар тақсимоотида ўз ўрнига эга эканлиги ҳамда у ҳам муҳим таркибий тузилма эканлигидан далолат бермоқда. Шунингдек, корхона функционал вазифаларни амалга оширишда бошқа тизим тузилмалари билан тўғридан-тўғри ва тескари боғлиқдир. Корхона инвестицион фаолиятни амалга оширишда мазкур таркибий тузилмалар муҳим роль ўйнайди ҳамда мулк эгаларининг капитал ташқи муҳитдан оқиб келаётган молиявий ресурслари 3 хил таркибий тузилмалардан иборат бўлади: молиявий ресурслар, маъмуриймеҳнат, ахборот ва моддий ресурслардир. Инвестицион фаолият таҳлилини самарали амалга оширишда ва корхона истиқбол режаларини рўёбга чиқаришда иқтисодий тизимнинг таркибий бўғини ҳисобланган ташқи муҳит муносабатларини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Иқтисодий тизим пировард даражаси илмий тадқиқот таҳлилини амалга ошириш жараёни корхона ташкилий бошқарув тузилмаларини режалаштириш ва инвестицион фаолият таҳлилига боғлиқдир.




3-расм. Иқтисодий тизимнинг мураккаб таркибий тузилмаси сифатида корхонага капитал куйилмаларни жойлаштирилиши[9]

Корхоналарда инвестицион фаолият таҳлилини амалга оширишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- корхона бозор қиймати ва ўз эгаларига келтирадиган даромад манбаи таҳлилини амалга ошириш;
- узоқ муддатли истиқболда корхона ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти таҳлилини амалга ошириш;
- корхонага жалб этилган инвестициялар самарадорлиги таҳлилини амалга ошириш;
- инвестицион фаолият таҳлиликорхонанинг ликвидлиги, тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уни бошқариш мақсадида назорат қилиш;
- инвестицион лойиҳалар бўйича соф жорий қиймат таҳлилини амалга оширишга эришиш;
- инвестицияларни молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш;
- инвестицион рискларни бошқариш ва унинг хавф-хатарлик даражасини камайтириш.

Умуман олганда, юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб, инвестицион фаолият таҳлилини амалга ошириш жараёнини иккита йўналишга

бўлиш мумкин. Биринчиси, инвестицион фаолият таҳлилини бошқариш. Иккинчиси, инвестицион жалб этувчанлик даражасини ошириш. Бу йўналишлар корхона иқтисодий фаолияти билан ва инвестицион фаолият таҳлили билан бир-бирига боғлиқ бўлган ҳамда такрорлайдиган ўзаро алоқадор тизимлардир.



4-расм. Алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион фаолият таҳлилини бошқариш тизимлари[9].


Инвестицион фаолият таҳлилининг иккинчи йўналиши аксинча молиявий таҳлил билан бевосита боғлиқ бўлиб, корхона ташқи муҳит субъектларидан жалб қилинадиган инвестицияларни таҳлил этиш жараёни билан боғлиқ ҳамда уларга қимматбаҳо қоғозлар, молиявий кредитлар ва суғурта компанияларининг капитал қўйилмаларини кўрсатишимиз мумкин. Ривожланган мамлакатларда ҳар қандай етакчи компаниялар ўз эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолиш, уни бошқариш ва мулкчилик муносабатларини мужассамлаштириш учун қулай муҳит яратиш, корхона инвестицияларни жалб этувчанлик даражаси, кўшимча акциялар чиқариш ва узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозларни бозор қийматидан қатъий назар сотиш жараёни натижаси IPO кўрсаткичи орқали белгиланади[10]. Юқорида таъкидлаганимиздек, тадқиқот доирамиз инвестицион фаолият таҳлилини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли биринчи даражадаги мақсад корхонага жалб этилаётган инвестицияларни бозор қийматини оширишдан иборат. Агар инвестициялар корхона бозор қийматини оширишга хизмат қилса (инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бозор қийматини ўсиши корхонага фойда кириб келишига олиб келади) бундай фаолиятни таҳлил қилиш зарурияти туғилмайди. Лекин, инвестицион жалб этувчанлик даражаси корхона бозор қийматига таъсир кўрсатади. Бундай мунозарали ва қизиқарли бўлган тадқиқотлар кўпгина иқтисодчи олимлар эътибор марказида бўлган. Буларга мисол тариқасида МДХ иқтисодчи олимларидан А.П.Иванов, И.В.Сахаров ва Э.Ю.Хрусталевларнинг илмий тадқиқотларини кўрсатишимиз мумкин[11]. Уларнинг илмий тадқиқотларида

бундай иқтисодий таҳлил категориясига, корхона инвестицион жалб этувчанлик даражасига таъсир этувчи йўналишлар турли методлар асосида очиб бериш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, инвестицион фаолиятни самарали амалга ошириш корхонанинг барча молиявий ресурслари ташкилий – таркибий тузилмаси билан бевосита боғлиқ. Молиявий ресурслар корхона ишлаб чиқариш жараёнини вақтинчалик тезлаштиради. Чунки, молиявий ресурслардан унумли фойдаланмаслик, ўз вақтида назоратнинг издан чиқиши ва инвестицион фаолият таҳлилида юзага келаётган муаммоларни бартараф этмаслик корхона учун оғир оқибатларга олиб келади. Агар корхона инвестицион фаолиятни амалга оширмаса, корхона асосий ва айланма капиталининг эскиришига олиб келади. Инвестицион фаолиятни сифат жиҳатдан амалга оширилиши нафақат асосий капиталнинг янгиланишига балки, корхона фойдага эришувига олиб келади. Натижада корхонанинг узоқ муддатли истиқболли ривожланиши таъминланади. Энди юқорида билдирилган фикрларимизнинг амалий тасдиғи сифатида илмий тадқиқотнинг тизимли ёндашувидан фойдаланамиз. XX асрнинг ўрталарида замонавий илмий назарияда классик назария ҳукмрон эди. Унинг таъсирида эса янги йўналиш, яъни тизимларни тартибга солувчи назариялар вужудга келди. Бундай “тизимли ёндашув” категориясининг кириб келиши амалиётда тадқиқотларни янада мураккаблаштирди.

Тартибга солувчи бундай жараён циклик характерга эга бўлиб, кўп омилларга боғлиқ равишда турли тизимларнинг ривожланишига таъсир этса, аксинча айримларининг талофат кўришига олиб келади. Бу айни пайтда анча мунозарали жараён бўлиб, бизнинг фикримизча, инвестицион фаолият таҳлилини амалга оширишда ёрдам беради.

Таъкидлаш ўринлики, жаҳондаги турли инқирозлар иқтисодиёт тармоқларидаги узилишларга ва молиявий ресурслар оқимининг пасайишга ҳамда корхоналар ишлаб чиқарган товар ва хизматлар ҳаётийлик даражасининг тушиб кетишига олиб келади. Албатта, бундай таҳликали жараёнга жавоб топа оладиган ва тез суръатларда ўзини – ўзи тиклаш қобилятига эга бўладиган омилларни тадқиқ этишни тақозо этади. 5-расмда ўз-ўзини тартибга солувчи мураккаб тузилма кўрсатиб берилган. Бу циклик тебранишлар горизонтал тавсифига эга. Ординати ўқи (u) тизимнинг якка ҳолатини ўлчайди, абцисса ўқи эса (t) вақтинчалик даврлар ўзшгарини кўрсатади. Бу графикда тизимнинг маълум вақт оралиғидаги ҳолатини кўришимиз мумкин. e -чизиғи эса мувозанатликни кўрсатади. Турли ташқи таъсирлар мувозанатликни бузиб туради. Вақти келиб бу бошқа омиллар эвазига тикланади.



5-расм. Ўз-ўзини қайта тикловчи тартибга солувчи тузилма[9]

Умуман олганда, ўз-ўзидан тараққиётни белгиловчи ва тартибга солувчи тизим бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион фаолият тахлилини амалга оширишнинг сифат жиҳатдан такомиллашувига ҳамда тадқиқотни амалга оширишда турли омилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган турли назарий ва амалий таҳлилларга асосланиб қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, корхона чиқарган ўз акцияларининг нарх тебранишларини муқобил даражада қўллаб қуватлаш. Корхона томонидан чиқарилган акцияларнинг чайқовчилик фойдасини олишга эришиш. Жаҳон амалиётида бундай жараён ўзининг ижобий натижаларини берган. Турли биржалар томонидан хўжалик юритувчи ўз мавқеи ва нуфузини оширишга турли ахборотлар тарқатишга ҳаракат қилади. Бу ўз ўрнида корхона акцияларининг шиддатли ўсишига ва чайқовчилик баҳоларда сотилишига эришилади.

Иккинчидан, устувор инвесторларни жалб этиш ҳамда инвестиция муҳитини яратиш [12];. МДХ иқтисодчи олимларидан бири ҳисобланган А.П.Ивановнинг фикрича, устувор инвесторлар бу ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш ва маҳсулот қайтими юқори бўлган жараённи ташкил этиш, миллий иқтисодиётнинг саноат тармоқлари корхоналарини етакчи корхонага айлантириш имконини берувчи йирик трансмиллий корпорациялардир[13].

Учинчидан, корхона дивидендлар сиёсатини оптималлаштириш ва доимий дивиденд оқимини сақлаб туриш[14]. Бу корхона инвестицион жозибадорлик даражасига боғлиқ бўлган истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатини таъминлаш, корхона акцияси ўсишига эришиш ҳамда корхона бозор қийматини оширишдан иборат. Шу ҳисобдан корхона инвестицион жозибадорлик даражаси ошади ва келгусида корхона учун муҳим булган истиқболли устувор йўналишларни белгилаш жараёнини кучайтиради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 14-бет, 28-бет, 33-бет.

2. Любушин Н.П. Экономический анализ: учеб. пособие - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. - 24 б.

3. Адам Смит Исследование о природе и причинах богатства народов / М.: Изд.: Эксмо, 2017 год; Милль, Дж. С. Основы политической экономии и некоторые аспекты их приложения к социальной философии. Т.1/ Дж. С. Милль. - М.: Прогресс, 1980-1981. - 148 с.; Макроэкономика: учебник для вузов / Л.П. Кураков, М.В. Игнатъев, А.В. Тимирясова и др.; под общ. ред. Л.П. Куракова. - М.: Изд-во ИАЭП, 2017. - 63 с.; Бем-Баверк, О. Основы теории ценности хозяйственных благ. Австрийская школа политической экономии / О. Бем-Баверк. - М.: Экономика, 1992. - 328 с.;

4. Кейнс, Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Антология экономической классики / Дж. М. Кейнс. - М.: Эконом, 1993. - Т. 2. - С. 229.; Харрод, Р. Ф. К теории экономической динамики / Р. Ф. Харрод. - М.: Экономика, 1959. - 290 с.; Асатуллаев Х.С. и другие «История экономических учений», Учебное пособие, Ташкент, Издательства «IQTISODVAMOLIYA» 2019. - 142 с.

5. Л.Д. Гитман, М.Д. Джонк Основы инвестирования. - М.: Дело, 1999. - 489 с.

6. Фатхутдинов Р.А. Разработка управленческого решения. - М.: ЗАО «Бизнес-школа» «Интел-Синтез», 1997. - 89 с.

7. Липсиц И.В. Инвестиционный проект: методы подготовки и анализа: учеб.-справ. пособ. / И.В. Липсиц, В.В. Коссов. - М.: БЕК, 1996. - 293 с. 84.

8. Эргашева Ш.Т. Бухгалтерский учёт: Учебное пособие / Ш.Т. Эргашева; Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2010. - 520 с.; Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаев З.А., Урманбекова И.Ф. Теория экономического анализа: Учебник. - Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2017. - 304с.; А.В. Ваҳобов ва бошқ. / ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент молия институте. Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2015. - 368бет.; Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаев З.А., Урманбекова И.Ф. Экономический анализ: Учебник. - Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. - 432с.

9. Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

10. Д.А. Ендовицкий Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 400 с.

11. Иванов, А.П. Финансовые методы управления инвестиционной привлекательностью компании / А.П. Иванов, И.В. Сахаров, Э.Ю. Хрусталева // Аудит и финансовый анализ. - 2006. - № 1. - С. 124 - 141.

12. Aleskerova Yu., Fedoryshyna L. Analysis of investment activities of enterprises of Ukraine. Economic system development trends: the experience of

countries of Eastern Europe and prospects of Ukraine. 2018; Riga, 2018. - P.: 1-17.
DOI: http://dx.doi.org/10.30525/978-9934-571-28-2_1

13. Иванов, А.П. Финансовые методы управления инвестиционной привлекательностью компании / А.П. Иванов, И.В. Сахаров, Э.Ю. Хрусталеv // Аудит и финансовый анализ. - 2006. - № 1. - С. 126.

14. Syed KBS, Zainir F Bin, Isa M. Does reputation matter in the dividend smoothing policy of emerging market firms? Empirical evidence from India. Borsa Istanbul Rev. 2018;18(3):191-204. doi:10.1016/j.bir.2017.12.001